

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ КУРУВЧИЛАРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

8 март 1972 йил, чоршанба

№ 57 (15.228) Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз совет хотин-қизлари!
Ватанимизнинг шонли қизлари!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март билан қизгин табриқлайди.

Халқаро хотин-қизлар куни бутун дунёдаги меҳнаткаш хотин-қизлар бирлиги ва интернационал бирдамлигининг рамзи бўлган аjoyиб байрамдир.

Бутун совет халқи бугун янги ҳаётнинг актив бунёдкорлари бўлган хотин-қизларнинг самимий иззат-ҳурмат, меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан улуғлайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни озод қилди, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ижодий гайратлари ва истеъдодларини рўйбога чиқариш учун кенг имкониятлар очиб берди. Хотин-қизлар учун социализм ва коммунизм йўли — чинакам эркинлик йўли, ўз ижодий кучларини равиқ топтириш йўлидир. Совет хотин-қизлари завод цехи ёки колхоз фермасида, мактаб ёки касалхонада, давлат муассасида ёки илмий лабораторияда, хуллас ҳамма жойда ишлаб иборатли меҳнат, юксак профессионал маҳорат, ўз ишига меҳр-муҳаббат намуналарини кўрсатмоқдалар. Мамлакатимизнинг хотин-қизлари сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, давлатни бошқаришда, жамиятнинг бутун кўп қиррали фаолиятида тўла ҳуқуқ билан қатнашмоқдалар.

Совет халқи ҳозирги вақтда Ленин партияси раҳбарлигида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширмоқда. Миллионларнинг ижодий меҳнати, бунёдкорлик гайрат-шижоати билан коммунизмнинг мухташам биноси қад кўтармоқда. Мамлакатнинг ҳамма қисмида тўққизинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг авж олди. Мамлакатимиз хотин-қизлари партиянинг режаларини амалга ошириш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, фан-техника тараққий эттириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида маданиятни янада ривожлантириш ишида янги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш хотин-қизларнинг ижодий ташаббуси ва гайратига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Соғлиқни сақлаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги замонавий вазифаларни ҳал этишда хотин-қизлар ҳақиқатан ҳам жуда катта роль ўйнамоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида катта гамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг XXIV съездида ҳисобот докладыда таъкидлаб ўтилганидек, «Партия сиёсатининг мақсади совет аёлларининг болаларни тарбиялаш учун ҳам, жамоат ҳаётида кўпроқ иштирок қилишлари, дам олишлари ва ўқишлари учун, маданият неъматларидан янада кенг баҳраманд бўлишлари учун ҳам янги имкониятларга эга бўлишларини таъминлашдан иборат». Бу соҳада кўп иш қилинди ва қилинмоқда. Беш йилликнинг ўтган биринчи йилидагина қурилган болалар боғчалари ва яслилар қарийб ярим миллион кичиктойларни қабул қилди. Кўп болали оналар ўтган йили давлатдан 400 миллион сўм нафақа олдилар. Маншай хизмати яхшилашга қаратилган амалий тадбирлар уй-рўзгор ишлари кўп жиҳатдан енгиллаштирилди. Совет хотин-қизлари мамлакатнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий ҳаётида ак-

тив иштирок этиш йўлида борган сари барча қулай шарт-шароитларга эга бўлишлари учун партия бундан буён ҳам тегишли чораларни кўраверади.

Совет хотин-қизларининг маънавий гузаллиги, жонқуярлиги, меҳр-муҳаббати ҳақли суратда қўшиқларда мадҳ этилмоқда. Аёллар ўз болаларига ҳаёт бағишлабгина қолмай, ўз бурчида астойдил солиқ бўлиб қолишга, социалистик Ватанинг етуқ, меҳнатсевар граждандари бўлиб етишишга ердан берилган юксак одоб-ахлоқ асосларини ҳам синдирилмоқдалар.

Бизнинг халқимиз бугун коммунизмнинг актив бунёдкорлари — меҳнаткаш аёлларни ардоқлар экан, янги жамият бунёдкорлари авлодини, ватанпарварларни, социалистик Ватанинг мард ҳимоячиларини тарбиялаб ўстираётган оналарни алоҳида иззат-ҳурмат билан тилга олади.

Кўп миллатли совет халқи СССР ташкил этилган кунининг элгинини йилга қадам қўйди. Совет республикаларининг жипслашган, ягона оқлаш ҳозирги кунда СССР халқларининг бузиламас қардошларча бирлиги ва дўстлигини ривожлантириш ҳамда мустақамлашга мусоиб ҳисса қўшган хотин-қизларни улуғламоқда.

Советлар мамлакатидagi турли миллатларга мансуб бўлган ва ўзининг бутун гайрат-шижоатини социализм ва халқлар қардошлиги тантанасига бағишлаган хотин-қизларнинг меҳнат ва жанговар жасорати халқ хотира-сида абадий сақланиб қолади. Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари хотин-қизларнинг фидокорлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир. Уша даврда аёл сиймоси мамлакатимизга бостириб кирган фашист галларининг тормор келтириш учун давлат этган она-Ватан рамзи бўлиб қолганини айниқса диққатга сазовордир.

Совет хотин-қизларининг интернационалиزمни уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ҳамма соҳаларида яққол намоён бўлмоқда.

Пролетар интернационалиزمни туйғуларини билан тўлиб тошган мамлакатимизнинг хотин-қизлари қардош социалистик мамлакатларнинг хотин-қизлари билан, социализм, демократия, тинчлик ва озодлик иши учун, социал ва миллий зулмининг ҳамма формаларига қарши курашаётган барча мамлакатларнинг хотин-қизлари билан бирдамликни мустақамламоқдалар.


Тинчлик йўлидаги курашчиларнинг олдинги сафларида бораётган совет хотин-қизлари империалистларнинг Шарқи-Жанубий Осиёда, Яқин Шарқда, Шимолий Ирландияда ва ер куррасининг бошқа районларида қилаётган ваҳшона ҳаракатларига қарши қатъий порозилик билдирмоқдалар.

Азиз совет хотин-қизлари!
КПСС Марказий Комитети шонли байрам — 8 Март кунини билан табриқлаб, сизларга сикат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнатда, болаларни тарбиялашда муваффақиятлар тилайди ва совет хотин-қизлари партия XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш учун, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқ учун барча куч-гайратларини сарф қиладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

Яшасин халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март! Тинчлик, озодлик ва социализм кучларининг таянчи — Улуғ Ватанимиз мустақамлашиб, ривожланаверсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.



Республиканимизнинг фидокор, меҳнаткаш хотин-қизлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга мусоиб ҳисса қўшаётган. Сиз бу суратда кўриб турган Нарпай районидagi Охунбоев номи колхоз бригада бошлиғи М. Норулова (чапда) ва Пахтаобод районидagi «Правда» колхозининг бригадирини, Ўзбекистон ССРОлий Советининг депутати Т. Тўхтабоевалар ана шу фидокор аёлларимиздан. Улар бошчилик қилаётган бригадалар пахта ҳосилдорлигини бўйича республикада донг таратган.

А. Турраев фотоси.

Москвада тантанали йиғилиш

7 март кунини ССР Иттифоқининг Большой театрида пойтахт партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари, корхоналар ва Москва области делегалари илгорларнинг, маданият, фан ва санъат арбобларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Сулов, А. Н. Шелепин, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капнтонов, К. Ф. Катусев» урдоқларини қизгин қарсақлар билан кутиб олди.

Тантанали йиғилиш Москва шаҳар Совети ижроия комитети

раисининг ўринбосари П. А. Воронина очди. У КПСС Марказий Комитетининг совет хотин-қизларига табриқнома текстини ўқиб эшиттирди. Бутун йиғилиш ахли бу табриқномани шавқ-завк билан кутиб олди.

Йиғилишда совет хотин-қизлари комитетининг раиси Совет Иттифоқи Қарамони В. В. Николаева-Терешкова, «Авангард» заводининг тоқари В. М. Ясиновский, Москва область Красногорск районидagi «Ленински луч» колхоз-партия ташкилотининг секретари Л. А. Белова, Москва Давлат университети студенти Светлана Меркулова шонли хо-

тин-қизларни қизгин табриқландилар.

Ёш ленинчилар пионерлар горни ва барабанларининг садолари остида залга кириб келдилар. Улар ўз оналари ва бувиларини, муаллималарни ва пионер вожа-тайларини нурли ва қувончли байрам билан табриқладилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига бадалан руҳ билан табриқнома қилди қилдилар.

Тантанали йиғилишда кўп пойтахт санъат усталари сўнг байрам концерти бердилар. (ТАСС.)

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ- СОВЕТ АКТИВИНИНГ ЙИГИЛИШИ

7 мартда Тошкентда республика партия-совет активининг йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев республикада гражданд мувофасининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида доклад қилди.

Донларни муҳофизат қилишда Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов, Қизил Байриқли Туркистон ҳарбий округи кўшинлари қўмондони С. Е. Белоножко, Тошкент шаҳар инроия комитетининг раиси Х. Асомов, Ўзбекистон ССР кўришчи министри С. И. Иброҳимов, республика гражданд мувофаси штабининг бошлиғи С. С. Охунжонов, Ўзбекистон ССР алоҳида министри Т. М. Тўхтаев, Чирчиқ электр химия комбинатининг директори В. К. Қодиров, ССР гражданд мувофаси бошлигининг ўринбосари В. А. Греков қатнашдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сузлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисин, В. Г. Ломоносов, М. М. Мухомонов, О. У. Салимов, Қ. Намолов, Г. М. Орлов, С. Р. Раёлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаев, С. К. Зибдуллаев, И. В. Марцинюк, М. Турсунов, А. Р. Хўнаев, КПСС Марказий Комитетининг инструктори В. А. Медведев иштирок қилдилар.

Йиғилиш муҳофизат этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (ЎЗАТА).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

КПСС билан Миср Араб Социалистик иттифоқи ўртасидagi партиявий алоқалар планига мувофиқ, КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан шу ташкилотнинг Араб социалистик иттифоқи Марказий Комитетининг аъзоси Фахри Мухаммад Абдуноби бошчилигидаги 7 мартада Совет Иттифоқи келди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитетининг аъзоси КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетини раисининг биринчи ўринбосари К. Н. Гришин, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Ульяновский, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИ ТБИЛИСИ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Тбилиси шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. И. Лолашвилининг шаҳар партия комитетининг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан ташкилотчилик ва сиёсий ишлари ҳақидаги докладыни тинглади.

КПСС Марказий Комитетининг қабул қилган қарорлари таъкидлашда, шаҳар партия ташкилоти коммунистларини, барча меҳнаткашларни КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга сафарбар этиш борасида катта иш қилмоқда.

Шаҳарком, район партия комитетлари, болаларнинг партия ташкилотлари экономикага раҳбарликни янада яхшилаш, омманинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш, голий-тарбиявий ишларни кучайтириш ва бутун ички партиявий ҳаётни активлаштириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиб, уни амалга оширмоқдалар. Партия ташкилотлари раҳбарлигида меҳнат коллективларида тўққизинчи беш йиллик тошпириқларини мундарида илгари бажариш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Шаҳар саноати маҳсулотининг умумий ҳажми ҳамда маҳсулотини реализация қилиш бўйича 1971 йил режалари муваффақиятли бажарди, машина-

лар, ускуналар, халқ истеъмоли молларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Илмий тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик муассасалари техника тараққий этиши тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ижодий ташкилотларнинг — ходимлари совет адабети ва санъатини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Партия ва ҳукуматнинг ҳар эъоянама курсатаётган ёрдами. Совет Грузияси пойтахти ишчилари ва аёлларининг фидокорона меҳнати туйғайли Тбилиси шаҳри мамлакатнинг энг йирик саноат, илмий, мада-

ний ва маъмурий марказларида бири сифатида ривожланмоқда. Шаҳар тез юксалиб ободонлашмоқда, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ошиб, уларнинг меҳнат, маншай ва дам олиш шароитлари яхшиланмоқда.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети, Тбилиси шаҳар партия комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий ишлари савияси, шаҳаркомнинг хўжалик ва маданият қурилишга раҳбарлиги ҳақида XXIV съезд талабларига ҳамда шаҳар партия ташкилоти ҳал қилиш лозим бўлган вазифаларига тўла ижабат бера олмайд.

Шаҳар партия комитети пойтахт партия ташкилотининг

раҳбарлик спецификасини етарли ҳисобга олмаётган, фақат шаҳар учунгина эмас, балки умуман республика учун аҳамиятга эга бўлган ишнинг энг муҳим участкаларини ҳамма вақт ҳам ўз диққат-эътиборида тутмаётган. Сиёсий ва ташкилотчилик ишларида республика марказининг партия ташкилоти эга бўлган ҳамма имкониятлардан — ишчилар синфийнинг илмий-техника ва ижодий интеллигенциянинг, юқори талабларига, тажрибали кадрларнинг кўп сонли отряди мавжудлигини, ривожланган индустриал база ҳамда маданият муассасаларининг шохчаларида — етарли фой-

даланилмаётган. Қатор ҳолларда шаҳарком умумий ижодий кўрсаткичлар соҳасида жиддий нуқсонларни кўриб, уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрмаяпти, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилиши ва ижросини тегишли билан етарли шугулланмаяпти.

Шаҳарком, райкомлар, болалар партия ташкилотлари давлат планларини ҳар бир корхона ва қурилиш ўз вақтида бажариши ишлаб чиқариш санигини кўп сонли отряди мавжудлигини, ривожланган индустриал база ҳамда маданият муассасаларининг шохчаларида — етарли фой-

лаш, Шаҳар саноати электрвотоматизация буюмлари, пойфазал, шойи газлама, ички ва усти трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш тошпириқларини бажармаётган. 1971 йилда ҳар 4 корхонадан бирида реализация қилинган маҳсулот ҳажми намойишда олдинги йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги пасайди. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқаришнинг техникавий — савийаси етуклашми билан оширилмоқда, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаётган.

Фондларнинг самарадорлиги пасаймоқда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашга тегишлича эътибор берилмаяпти. Утган йили савдо ташкилотлари шаҳарда ишлаб чиқарилган буюмларни текширишларида шу буюмларнинг 20 проценти ни бракка чиқариб, сортини пайсайдирдилар ва қайта ишлашга жўнатдилар.

КПСС Марказий Комитети шаҳарда капитал қурилиш планларини мунтазам бажарилаётганлигига эсло йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни алоҳида қаратди. 1971 йилда уй-жойларни фойдаланишга тошпириш тошпириги ҳам бажарилмай қолди. Уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва маданият-маншай объектлар қўлишча жуда тала ҳолда тошпирилади. Янги водепрод ва тозалаш ишшоотлари қурилиши қўзғилиб кетиб, бу ҳол

шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилашга салбий таъсир этмоқда.

Партия ва совет органлари савдон, умумий овқатланиш, маншай хизмати ташкил этишда, айниқса бу ишларни янги уй-жой массивларида йўлга қўйишда жиддий камчиликларни тугатишда тегишлича қатъий ва ташаббуслик кўрсатмаётганлар. Тбилисдаги харидорларга хизмат кўрсатишнинг замонавий формаларини «жойи қилиш»да, савдо корхоналарида, қўриқчиларда ўқув юртларида охино ва буфетлар тармоғи етарли ривожланмаган. Катта имкониятлар борлигига қарамай, янги ушланган савдон ва мевалар билан узалишга давлат савдоси йўлга қўйилмаган. Аҳолининг кватираларини, рўзгор машиналар ва асбобларини, пойфазали ремонт қилишга, кир товиш ва ийим-бошини химиявий тозалашга бўлган эътибни тўла қондирилмаётган. Меҳнаткашлар медицина муассасаларининг ишдан ишга қўйиб қилмоқдалар.

Қадрлар билан ишлашда, партия ходимларига баҳо беришда асосий нарса уларнинг сиёсий етуклиги, маданияси, маънавий қиёфаси ва ҳозирги шароитда олмага раҳбарлик қила билши маҳоратидан иборат деган партия талаблари ҳамма

(Охири иккинчи бетда).

ҒОЛИБ ҲАЁТНИНГ БИТМАС - ТУГАНМАС ЧАШМАСИ БЎЛГАН ОНАНИ-АЁЛНИ КЎКЛАРГА КЎТАРАЙЛИК. М. ГОРЬКИЙ

ЎЗБЕКИСТОН СУРАТИ

Она қизини узатди. Тўйга бутун ёру биродарлари, қариндош-уруғлари келишди. Ҳамкасба-лари «нашимдан бел боғлаб» ҳамаёт қилишди. Фақат... онанинг кўзларида яширин бир дард неарди. Мана шу кўтлуг нунда, меҳмонлар даврасида унинг оғ зорини кўришди, фарзандларнинг отаси йўқ. Қизларнинг қандоқ севар эди, қандоқ севар эдилар, отинг учени уруш... бектиёр пирлардан оланиб қабил қилди. Кўзларига қалқан ёшнинг ҳеч қанга сездирмай бўмолининг учи билан арди... Ҳаёл учар қуш дейдилар. У парвозга йўл ола, намингга мулоқ-солмайди.

... Она асли Қўқондан. Унинг ўтмиши қўзғуғули юз сингари ҳар бир чизнигача равшан. Келгуси эса ўз нэмида. Агар унга ўтган умрини қайтариб берилса, яна шундай яшаниб ижони қилиши. Она ёшлардан дўшми, нашта тикиб юрган қизалоқ эди. Бироқ ўрта мактабни тугатдию, педагогика ҳавас қилди. Урушнинг дастлабки кўзлариде турмуш ўртоғи Раҳимжон ақани фронтга кузатди. Ўзи қизлари билан қилиб ўқитишчи қилди. Уруш оғир, лекин фронт орасида ака-укаларни, эрларнинг кузатиб қолган хотин-қизларнинг елкасидаги ҳижрон тоши ундан қолтирмайди. Она улар билан бирга қулди, бирга қайғурди. Бошқалар қатори урушнинг тугашини интизорлик билан кўтди. Уруш ҳам тугади. Бир қишлоқдан бир жангчи қайтса, бутун қишлоқ қувониб. Бир уйга «тоза хал» келса бутун қишлоқ аза тугди. Ниҳоят Раҳимжон ака ҳам қайтди. Онанинг қувоничига бутун қишлоқ шерик бўлди. Бироқ ҳали ўноқдаги олов ўчмай туриб, оқилган қозонлар соғумай туриб, бу хонадонда йиғи овози эшитилди. Урушдан ярадор бўлиб келган Раҳимжон ака вафот этди. Гўё она тупроқнинг, қадрдон қишлоқнинг кўриши умиди уни жангу жадаллардан етаклаб чиқаргандай. Келдию, кўз юмди. Унинг онадан бирдан-бир илтимоси қизларнинг ўқитиши, ҳақиқий одам қилиб ўстириши эди. Она унинг василитини қўлидан келганича бажаришга ҳаракат қилди. Қизларини ўқитмай ўстирди. Ўқитди. Қўқондан Тошкентга келиб қозини ҳам шу қизлари тугайли. Бўлмаса, ўн олти йил ўқитувчилик қилган мактабидан ажралиш осон дейсизми? Лекин она ҳозир ишлаган коллективдан ажралишни тасаввур ҳам қилолмайди. Мана, қариб ўн етти йилдирки, она Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасида ишлайди. Дастлаб фабрикага олдин чевар бўлиб ишга келди. Кейинчалик ўн ишлаган дўшми тилиш чехга бошлиқ бўлиб таиниланди. Фабрика 1963 йилда «Шарқ тўли» ҳамда «8-Март»

фабрикаларининг қўшилишидан ташкил топган. Она раҳбарлик қилаётган дўшми тилиш чехида қариб хотин-қизлар ишлашади. Уларнинг осни саккиз юзтага етди. Фабрикадаги ҳамма иш деярли қўлда қилинади. Шунинг учун ҳам хотин-қизларнинг етмиш беш проценти уйда ўтириб иш тикишади. Дастлабвал, дўшмининг нухаси оллина. Бир участкада чевар қизларнинг қўлида дўшми тилиш чехи топади. Сўнгра тилинади. Йилик билан қўлиб тикилади. Қизак билан телишнинг қўлимаси ўтказиб дейилади. Сўнгра бостириқ қилинади. Энг сўнгида эса прессланади ва қопланади. Қорхона чеварларнинг қўлида чуст дўшми, ироқия дўшми, сидирга духоба дўшми, чоргуз дўшми каби ўзбек дўшми-қизларнинг тўқиз хили жило топади. 1960 йилда чехда бир ойида 25 минг тайёрланган бўлса, 1971 йилга келиб 50 мингга етди.

Она 1954 йилдан бери партия аъзоси, фабрика партия комитети секретари ўринбосари. Идеология секториде ишлаб сирейи ўқитилар ташкил этди, хотин-қизлар орасида тарбиявий ишлар олиб борди. Фабрика хотин-қизлари уни севиб «опамиз» дейишади. Унга дардини айтади. Она қўлидан келганича уларнинг оғирини енгил қилишга, қувоничига шерик, дардига малжал топишга ҳаракат қилди. Унинг қўлида мана шу чехда қанчалар қизлар ҳунар ўрганишиди. Гузаллик сирларининг мутахассиси бўлиб етишиди.

Бир куни маҳаллий комитет раиси Насиба Убайдуллаева бир шеър кўтариб келди. — Она, мана цехимизда тикилган дўшмиларнинг шухрати дунёга ейилипти. Эртасга партом секретари ҳам учратиб ҳазил-омуз гап қолди. — Маъбура Аъзамова, қаранга, шоир бизнинг дўшмилар ҳақида нималар деб ёзибди: «Бошим узра турар эди Ўзбекистон сурати». Она қувониб, Дарҳақиқат дўшмин қайси бурчига борман дўшми кийган кишини кўришса, уни қувониб Осебдан, Ўзбекистондан эканлигини даров била қолтирилади. Демак, она беҳуда яшамабди. Умри зое кетмабди. Зотан ҳамкасбаларининг ҳурмати она учун катта мунофот. Қайғу бир хонадонга ҳам ортинчалик қилади, шодлик эса бутун бир шаҳарга ҳам етади. деганларидек, мана онанинг шодлигига бутун бир шаҳар шерик бўлиб турипти... Она бошини кўтарганида рўпарасида онасининг маънос тортиганидан хавотирланиб ўтирган келинлик кийимидеги қизининг чехрасига кўзи тушди. Опанинг дили ёришиб кетди.

М. УБАЙДУЛЛАЕВА.
Тошкент.

ФАРЗАНДЛАР ОНА ҲАҚИДА

МЕҲРИНГ ДИЛДА, ОНАЖОН!

Она мадҳига муносиб сўз топиш қийин. Гарчи тунлар бедор алдлаган ва йўқаргандан сўт эмирган дамларини оёлай олмасам ҳам, уш ширин дамларини фарзанд ҳавели тасаввур қила олади. Мактаб бағрига илк бор қадам қўйганимда, янги кийим кийганимда, мактабдан «5» баҳо олиб қайтганда онамнинг қанчалар қувонгани ҳали-ҳали эсимда. Уриниша, ҳаётдаги ҳар бир ишда, қийинчилигини енгилди онам қувонганича, маслаҳатчи эди. Мени маҳнатоварликка, ироқия эди, одоб-иқомли, ифратли бўлишга ўргатганини учун онамдан умрбод миннатдорман.

Онам — мен каби ўн фарзандни туққан, тарбиялаган қалби қуёш аёл. Мен, сингилларим Ҳузрула, Биланжон, Отажон, Ёсунжон билан қолхозда елка-елка ишлашимиз. Ўтган йилда беш опа-синия хирмонга 60 тоннага яқин «оқ олтин» туқди. Яна тўрт оғайни укаларимиз, кичик сингилларим Холжон мактабда, ўқитишти, боғчада тарбияланмоқда.

Меҳрининг ҳаминша дилимизда, бахтли ҳаёт таштини суруғи, азиз сўзларим.

Н. РАҲИМОВА.
Хоразм области, Урганч райони, даги Ленин номи колхоз аъзоси.

Фотомавҳалар



МЕНИНГ ВАТАНИМ

Советлар дйери аталмиш юртим,
Юртин, руҳсорингда балқир
табассум,
Бепой бағрингда беармон юртим,
Не-не жонбалар торти ҳавасим.
Жануб иссиғидан бўлганда доҳас,
Мен сизга толпиндим, рус
эрмонлари,
Илҳом юрагимни тўлдирса беҳос,
Мен сизга толпиндим, рус
эрмонлари,
Шоҳ-шабба том бўлиб, зич тана-
девор,
Урмон оғушидан толганман уйим,
Сарингли, хушбўйлик бўлиб
маддиор,
Шунда «рағандир қанчалар
куйим.

Бир маромаи ёнгир зеринтирган
он,
Рағ-баранг ҳилларинг тинмоғи
қайда,
Қирчиллама қишининг тутар
хуморин,
Қайтардим, соғинчин бошларин
қайта
Халқидай нақирон рус арчазери,
Кўйин-қўйини тўлиқ ўз
республикан
Шимол бозориде соларан довуғ,
Олтин хусайнилар тил фар экан,
Ғурурланиб яна ёганман қўшим,
Меҳмонга чорлаган эстоники олим:
«Ажиб юртингиз бор, — дегран
манун, —
Самарқанд, Бухоро — бутун бир
олам...»
Яна битта қўшиқ ёганман шу
кун,
Шимол кезиб, кўнгили узмаганим
чин
Киндик қоним томган, ўз
тупроғимдан,
Жанубга қайтар чоғ олардим
ленин

Олпоқ қайинларининг кўн
ялроғидан,
Советлар Ватани аталмиш юртим,
Юртин, руҳсорингда балқир
табассум,
Бепой бағрингда беармон юртим,
Ақлу улғурорлик торти ҳавасим.
Она ўзбегим-ку тил берган менга,
Тилим ёйиронлиги сендандр,
Ватан,
Ўзбегим кўз берган, дил берган
менга,
Дилим уммонлагти сендандр,
Ватан,
Менга шеър ишқию, менга
шеър машини
Қўш-қўш ўстаолар-ла берилган
ахир,
Бир ёнда Навоий, бир ёнда
Пушкин
Не бахт, сатрларим қилишса
тахбир,
Жанубда шимолни қилди хумор,
Жанубни қўсамайман, несам
шимолда,
Советлар Ватани аталмиш дйёр,
Қалбимга киргансан бир бутун
ҳолда.

ВАФО

А.ЕЛПАР ҳақида ҳар қанча сўзласан ҳам ос. Уларнинг қалби ҳаминша маънайдан тортиб ўлимизга ёришиб турареди. Сени, садоят, нафосат, бурч ва матонат уларга ўрнатилган манту ҳайкал.
... 8-Мартда оғилмизнинг баъра аъзолари меҳрибон ва зинҳисна она — Музаззамхонни қизини табриклайдилар. Мен ҳам шу кунни бисотимдаги энг самимий сўзлар билан уни кутлайман. Шу пайтда унинг қалби секинча ва бахтга лиммо-лим тўлади. Аёллик меҳри билан ҳаммаимзини бир-бир кучайди. Онда аъзолари баҳамжихат байрам дастурхонига ўтирамади. Хонадонимиздан қувонч айтамади.

Музаззамнинг ана шу унисз титраши кўз олдидан сира кетмасди.
1943 йилининг қаҳратон қиш кунлари эди. Ленинград шаҳри атрофидаги далаларни ўт ва дуд қоплаб олган. Янган майдонда танк ва тўллар тутаб ёнмоқда эди. Эрталабдан бери душман позициясина ишғол қилиш учун бир неча марта ҳужумга ўтсан ҳам, ҳар гал фашистларнинг ўтидан сафимиз сирақлашиб чекинарди. Рота бироз дам олиб сўнги, қатъий ҳужумга тайёрларди.
Командир ўтирган чеккадаги оқолдан осмонга кўм-кўн ракета учиб чиқар-чирмас, солдатлар оқолдан сираб чиқиб, югуриб кетишди. Автоматдан ўқ уза-уза мен ҳам қаторда узоқда ленталек қорайиб кўринган душман оқоллари сари югуриб борардим. Шу пайт ёнимда шимадир гўмбурлаб кетди. Ўт-олов осмонга кўтирилди. Эриган қор устига қалқанча йиқилди. Тун бағрига шўнгиб кетдим.

умрбод қарам бўлиб қолишни истамайман. «Бекор айтибсан, Оёвқўлдан ажралган бўлсанг ҳам ўзинг омон қолдинг-ку. Сен элни деб жароҳатландинг. Эл сени ардоқлайди. Сен элга кераксан». Орадан бир неча ой ўтди. Жароҳатларим битиб кетди. Госпиталда ҳамшира аёлни қўлиб мени юртимга қўнатишди. Самарқанд вокзалда вагондан олиб тушишгани атрофда боқиб, қўзларимга сизга ҳам ишонгани келмасди. Шаҳар меҳнатчилари, ҳамшираларим, шаҳар ҳарбий комиссариати вакиллари мени кутиб олгани чиққан эдилар. Бир неча ойгача уйдан меҳмон аримади. Музаззам ҳам дугоналар билан бирга кўрғани келди. Бироз озиб қолдиб, юзлари қорайибди, кўзлари қиртайибди. Йондираб қараганича бир чеккада ўтираведи. Фақат хайрлилик чириб кетганда бир зумгина қўзларимга тикилди. Ана шунда унинг мен учун ўзини бир умга фидо этишга тайёр эканлигини уқиб олдим. Қўн ўтмай тўйимиз бўлди.

— Элайсанми? — оҳиста сўрайман Музаззамдан.
Унинг юзлари лоз этиб қизариб кетди, кўзлари парайди, бош силқийди. Ўнма-ён ўтириб ҳайла чўмаман. Ҳайлар мен ўз қанотларига олиб йилик йилларимга етаклайди. Музаззам билан бир бригадда ишлар эдик. Мен табирича, у кетмончи эди.
Улуг Ватан уруши бошланди. Қишлоқнинг не-не йигитлари иш-нелиш ийиб, мийтиқ уйлаб фронтга кетишди. Орадан бир йил ўтган дала ишларини аёлларга топшириб биз — йигит-яланғар ҳам немис босқинчиларига қарши курашга олтиндик.
Ҳамон эсимда: бутун қишлоқ бизларни қўзатгани чирди. Ҳамшироқларим билан хайр-лашманман, атрофга жовдириб боқаман: Музаззам келганичани? Кимдир биқинимга турди, ҳуз янави ерда, деб шивирлади қўлоғимга. Музаззам бир чеварда сочиниб, учини бармоқларига химарганча биз томонга қараб турарди. Қўз қолганимни сездию, юзлари қизариб кетди. Онамларнинг орасидан қилиб ёнига келдим. Музаззам кўзларини жовдиратиб тикилди. Қанча учун қолганимизни билмайми. Узоқ-узоқларда паровоз чўан-чўди оғи қичқирди: «Вагонларга қичқилсин» деган буғруқ оштилди.

Хушнингга келганимда алақайси госпиталнинг хирургия столида ётардим. Соқлари омаран кеска хирург оёғимни қиртиллатиб кесмоқда эди. Оғридан эмас, аламдан қичқириб юбордим. Жон қолдада хирургия тўхтатиш учун қўлимни кўтардим. Аммо уни сира қимирлатолмадим. Ички қўшим ҳам кесиб ташланган эди. Яна ҳушимдан кетдим.
Оилар ўтди орадан. Қўл-оёқсиз палата шифтга тилинганимча ҳаёл сўрадим. Ҳеч ким билан гапашмасам эдим. Бир кунни тонгга яқин мизганин эганиман, чўиб ўқиб қолдим. Ёнимда мени олар қарай қилган ўша кеска ҳарбий врач ўтирарди. Қўзимиз тўнатишди. У ҳеч нарса айтмасам ҳам фикран менга далда бераётганини тўшуниб ётардим. «Ўзингни босиним, ҳар қанча оғир бўлса ҳам чида, ахир сен солдатсанку», деди унинг кўзлари. Ўтироз билардим: «Оёвқўлсиз мен қайдайдим одам бўлдим, доктор. Энди кимга ҳам керакман, ўзим ҳам бирорта

Мана, орадан йигирма саккиз йил ўтди. Ана шу узоқ йиллар давомида жуذا ҳам янон ишланди. Ҳамшироқларим бизга дом ҳавас билан боқибди. Ҳозир саккиз фарзандимиз бор. Олти неварани қўздиқ. Тўнғичимиз Холмурод, иккинчиси Мухабб оиланик бўлган. Бир ўғлимиз медицина институтини ўқитипти. Иккинчидан уш мақтабда. Мен республика миёнасида пенсия билан ташмиланганман. Музаззам эса қолхозда зверо бошлиғи бўлиб ишлайпти.
Мен оиланим деб барча қийинчиликларни мардонавор енгиб тоғли ҳаёт кечиратган битмас-туганмас меҳр ва садоят эгаси умр йўлдошим Музаззамхондан беҳад миннатдорман. Оиланимнинг барча аъзолари сеғги, садоят, нафосат, бурч ва матонат каби сифатларини ўзида музаззамлангирган ажиб аёл ва меҳрибон онани бугунги байрам — халқаро хотин-қизлар кунин — 8-март билан қизини кутайми, унга минг-минг раҳматлар айтмайми.

Маматқул ҚҮРБОНОВ.
Самарқанд области, Ургут районидеги Илччи номи колхоз аъзоси, Улуг Ватан уруши ветерани.

КАМОЛ ТОПАВЕР, ҚИЗИМ

СЎЗ НАВАТИ Маъсудахонга етди. Эғиндаги хонатлас қўйлаги ўзига бирам ярашган, ўрта бўйли, кўклиқина қиз минбарга кўтарилганда зал жим-жит бўлиб қолди. Ҳамма не-не йигитлар улдасидан чиқолмаган ниша қўл уриб, ўз тенги дугоналарига бош бўлиб, Қоландарб чўлда ҳозиргача ҳеч ким кўрмаган ҳосилин етиштирган Маъсудахондан кўз узмади. У шундай катта даврда бўлиб қолган марта сўзга чиқиб ётгани учунми, бир зум жим туриб қолди, сўнг шаҳдам-шаҳдам гапирар кетди.

Маъсудахоннинг бир ўзи «зағори кема» рулига ўтириб «булат этак»дан 175 тонна пахта тўқди.
Мана шундай ўт юракли меҳанизатор қизлар, мард йигитларнинг гайрат ва шижоати туфайли колхозимиз райондаги илгор хўшкўнлардан бири бўлиб қолди. Ўтган йил ҳар гектар ердан етиштирилган ҳосил 31,2 центнерга етди. Колхозимиз аъзолари бу йил ҳосилдорлигини 35 центнерга етказишга азму-қарор қилишган.
Меҳнатнинг тағи роҳат, деб айтилган ҳақиқат. Халол меҳнат колхозимизга шон-шухрат, кичиларимизга роҳат-фароғат, тўғрули келтирди. Эғиндаги орау ҳавасларимиз рўёга чиқилди. Колхозчи дегонлар қўлини қарга узатса етди. Дарилмада уй-жойларимиз, кўра тўғру бўлган посёлкамиз шаҳардан қилинмайди. Маланият саройи деб атаеса бўладиган клубимиз ҳам бор. Унда ҳар кун келди қўшиқ янграйди, бадий ҳаваскорлик тўғраги ишлаб турибди. Уларни яқинда республиканимиз ақолиси телевизор орқали томоша қилишди. Зағори эрган орқали кўрсатилаган «Марҳаб, талантлар» конкурсида колхозимиз бадий ҳаваскорлари билан бирга чиққан Маъсудахон Фозиловаининг санъатига ҳамма дарсак чалди, олқилдики. Маъсудахон ҳозир ҳам бригада бошлиғи ва комсомол комитети секретари.

Маъсудахонни ёшлигидан таъиниман. Қўз олдима улғайди у. Мактабни тугатлагач «мени меҳанизаторлар курсига қабул қилинлар» деб правленияга келиб ариза берди. Ўзи тенги йигирма қиз билан бирга курсни муваффақиятли тугаллади. Шундан сўнг улар колхоз правлинесига яна бир ариза беришди. Унда меҳанизатор ёшлардан иборат комсомол-ёшлар бригадаси тузиб Қоландарб массивида қўриқ ер очиб пахта етиштиришга руҳсат бериш ҳақида илтимос қилинган эди. Уларнинг илтимоси қондирилди. Меҳанизаторлардан иборат бригада ўтган йилининг навбахорда Қоландарб чўлига олтиндиклар. Бригада бошлиғи Маъсудахон Фозилова ҳам тракторга ўтириб тупроқ суғди, ер ҳайлади қилган самарали меҳнат ёшнинг илк натижасини берди. Чўлқуварлар бригадаси биринчи йилдаёқ колхозда рекорд ҳосил етиш-

тақдирланди. 60 йиллик юбилейларини ўташди. Тантанга кўп ниш туланиди. Шарофат онанинг қўлида ўнган, ҳозир республиканимизнинг турли обдастларида масъул лавозимларда ишлаб турган ишларда табрик хатлари олдиди. Қисоблаб қарсан опанинг қўлида ўнб чирқанларнинг осни шу нунгача 2 мингдан ортибди. Энди Шарофат она ўқувчиларига эмас, манбаимизнинг ёш ўқитувчилари Эухра Намниова, Саломат Султонова, Азим Тўёвон, Маҳмуд Анромов сингари ишларига ҳам устоз бўлиб қолди.
Қисқаси Шарипова мактаб учун, болалар учун учини ҳам, билимининг ҳам берадиган, ўз насобини жонидан севадиган ва ана шу фазиалари билан ўзига хайкал қўйетган кишидир. Бугун хотин-қизларнинг байрами олдидан мен Шарофат опани кўпчилики ўқувчилари қатори байрам билан табриклайман. Узини, ички ўқитувчини фаолиятини ҳам унингга ўхшаса дейман.
С. МУЎМИВОН.
Бухоро шаҳридаги Охунбобоев номи 8-мактаб ўқитувчиси.

Уқитувчи ўз касбдоши ҳақида

ЧИНОР

Халқдан кўриб қоцаётган амир кишиларни отган ўш тушиб уларнинг уйи ёниб кетган. Онас ва опаси билан бирга майнафуррушини данагини чақиб бериб турмуш кечирибман. Советлар ҳокимияти ўрнатилган-у, уларнинг бошига ҳам кун чиққан. Шехшо гузарлик қиз 1925 йили Гомкушон кўчасидаги мактабга қатнади. 1926 йили эса Лаби ховуздаги дастурхончи Тўра қовилсада ташкил этилган билим юртини тасомлаб чиқди. Шу йилнён Кармана районидаги Аргин ишлешгоҳа ўқитувчи бўлиб бормди.
Шарофат она билан кўп суҳбатлашганман. Гаплари орқали ўша оловли йиллар-

даги ҳаётига, юллентивлаштириш, Улуг Ватан уруши даврида қилган ишларига гувоҳ бўлганман. Унинг ўқитувчилиқига бўлган меҳрини ҳаётдаги ҳар қандай қийинчилиқ, ҳар қандай машаққат ҳам ёнотмади. Шаҳридан босмачи ва унинг одамлари номинга қасд қилишмоқчи бўлганини эшитганда ҳам насбидан ичкиланмади. Аҳдида маҳкам турди.
Мана, 14 йилдирки, Шарофат она Шарипова шаҳардаги Охунбобоев номи 8-урта мактабда ишлаб турибди. Энди у ана шу қилган меҳнатлари эвазига надр тоғи, элнинг тилига тушган. Илгари Меҳнат қизлик байроқ ордени билан мунофотланган эди. Яқинда Ленин ордени билан

даги ҳаётига, юллентивлаштириш, Улуг Ватан уруши даврида қилган ишларига гувоҳ бўлганман. Унинг ўқитувчилиқига бўлган меҳрини ҳаётдаги ҳар қандай қийинчилиқ, ҳар қандай машаққат ҳам ёнотмади. Шаҳридан босмачи ва унинг одамлари номинга қасд қилишмоқчи бўлганини эшитганда ҳам насбидан ичкиланмади. Аҳдида маҳкам турди.
Мана, 14 йилдирки, Шарофат она Шарипова шаҳардаги Охунбобоев номи 8-урта мактабда ишлаб турибди. Энди у ана шу қилган меҳнатлари эвазига надр тоғи, элнинг тилига тушган. Илгари Меҳнат қизлик байроқ ордени билан мунофотланган эди. Яқинда Ленин ордени билан

даги ҳаётига, юллентивлаштириш, Улуг Ватан уруши даврида қилган ишларига гувоҳ бўлганман. Унинг ўқитувчилиқига бўлган меҳрини ҳаётдаги ҳар қандай қийинчилиқ, ҳар қандай машаққат ҳам ёнотмади. Шаҳридан босмачи ва унинг одамлари номинга қасд қилишмоқчи бўлганини эшитганда ҳам насбидан ичкиланмади. Аҳдида маҳкам турди.
Мана, 14 йилдирки, Шарофат она Шарипова шаҳардаги Охунбобоев номи 8-урта мактабда ишлаб турибди. Энди у ана шу қилган меҳнатлари эвазига надр тоғи, элнинг тилига тушган. Илгари Меҳнат қизлик байроқ ордени билан мунофотланган эди. Яқинда Ленин ордени билан

даги ҳаётига, юллентивлаштириш, Улуг Ватан уруши даврида қилган ишларига гувоҳ бўлганман. Унинг ўқитувчилиқига бўлган меҳрини ҳаётдаги ҳар қандай қийинчилиқ, ҳар қандай машаққат ҳам ёнотмади. Шаҳридан босмачи ва унинг одамлари номинга қасд қилишмоқчи бўлганини эшитганда ҳам насбидан ичкиланмади. Аҳдида маҳкам турди.
Мана, 14 йилдирки, Шарофат она Шарипова шаҳардаги Охунбобоев номи 8-урта мактабда ишлаб турибди. Энди у ана шу қилган меҳнатлари эвазига надр тоғи, элнинг тилига тушган. Илгари Меҳнат қизлик байроқ ордени билан мунофотланган эди. Яқинда Ленин ордени билан

даги ҳаётига, юллентивлаштириш, Улуг Ватан уруши даврида қилган ишларига гувоҳ бўлганман. Унинг ўқитувчилиқига бўлган меҳрини ҳаётдаги ҳар қандай қийинчилиқ, ҳар қандай машаққат ҳам ёнотмади. Шаҳридан босмачи ва унинг одамлари номинга қасд қилишмоқчи бўлганини эшитганда ҳам насбидан ичкиланмади. Аҳдида маҳкам турди.
Мана, 14 йилдирки, Шарофат она Шарипова шаҳардаги Охунбобоев номи 8-урта мактабда ишлаб турибди. Энди у ана шу қилган меҳнатлари эвазига надр тоғи, элнинг тилига тушган. Илгари Меҳнат қизлик байроқ ордени билан мунофотланган эди. Яқинда Ленин ордени билан



РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳнинг ҳолати йўқ.

Ажойиб туш кўрибман — тўғ бугун 9 март эмиш.

Наманганинг олмаси ҳил-хил пишмиди... Рассом М. ВОРОБЕЙЧИНОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Янгийул шаҳридаги халқ театрининг бадий ҳаваскорлари дилбар рақслари билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқдалар. Хатирани Нуъмонова раҳбарлик қилган рақслар ансамбли «Гунафша», «Катта ўйин» рақсларини ижро этиб, санъат муҳлисларини ҳушнуд қилмоқда. Суратда: Бадий ҳаваскорлар «Гунафша» рақсини машқ қилишяпти.

Қ. Розиков фотоси. (УзТАГ).

СЎНГГИ МОДА

ФЕЛЬЕТОН

Киши ҳаётида шундай кунлар ҳам бўладики, унинг боши ташвишдан ёни кўнгилсизликдан чинмай қолади. Айтайлик, ваннада сувиб ўтиб, ханга эса бирор тоғчи ҳам топишмайди. Ўйиб шилмай қолган ва саккизинчи қаватга кўтарилишга мажбур бўласиз. Ёни трамвайга эйрилиши чиндай деганингизда ботинангизни ни узилади. Дазмол кўйганингизда эса тоғчи ўчириб қўйишда ва ҳоҳазо. Менинг эски ошнам Калле Ахо билан ҳам неча худди шундай бўлди. Ҳаммаси будийнингнинг жингилламай қилишдан бошланди. Натияжада ошнам ноушта ҳам қилмай ишга чоғиди, барбир кечикди. Кечта бориб эса унинг таъби бутунлай тирриқлашди. Бунинг устига уйига қайтиб келганида хотинининг «Аёлларга яхши муносабатда бўл!» деган сўзи лард устига чинқордай бўлиб турди.

У аёлларга нисбатан жуда яхши муносабатда эди. Ҳатто тиқилган автобусда ҳам йўлакда турган аёлга ўзининг бўшатиб бермоқчи бўлди. — Раҳмат, — деди ҳали аёл. — Бемалол ўтираверингиз. — Марҳамат, мен... — Утиринг, — деди қатъий билан аёл ва Калленнинг елкасидан босиб ўрнига ўтириб қўйди.

Ленин, Ленин йўқ. Мени унага аёллардан деб ўйламаган. Ишдан чарчаб келган эркаклар ўзининг бўшатиб қўйиб берганидан афсусланиб қаранг, жуда чарчаганга ўхшайсиз. Калле яна турмоқчи бўлган эди, сўхбатдош уни тургани кўймади. — Утиринг дейман! Шунинг эсинизда яхши тутигинг, ҳозир эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуқли. — Сиз ҳақсиз. Лекин мен ўзининг бўшатиб беришим керак. Чунки тушадиган жойимдан уч бекаб ўтиб кетдим...

Ҳа, аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиш учун илтилаган пайтлар ҳам бўлган. Ленин ҳозир у пайтлар ўтиб кетди. Менинг ошнам бўлса ҳалиги аёллар ҳурмат қиламан деб уйдан анча нарига ўтиб кетди ва неки километра шибда йўл босиб, ордасига қайтди. У ҳориб-толиб уйига етиб келди, ошиқ олдига турган хотинини кўриб ҳушёр турди. Хотини ишмадиди ҳорсанд қилмайдиган турарди.

— Янги костюмимни кўригин! — Узингга яна нима сотиб олдингми? — Бу нимага эмас, байрам костюми. Эртанга байрам эканлигин эсиндан чиқармайдир. Шундай дегин, — бекхитёр қилмайдиган Калле, — ҳали шу пайтдамада рақсга тушаман дегин? — Бу нимага эмас, шим костюм дедимку, ахир. Ҳозирги мода шунақа... — Кўриниб яхшимас. — Қўйвер, яхши бўлмаса ҳам мода! — Дидисиз экансан! — Нега анди? Бугун таъбиң хирга ўхшайди. Эр хотинга бошдан-оёқ қараб чинди-да, тўғиллади!

МАРТТИ ЛАРНИ, фип ёзувчиси.

МАНЕТАМИЗДА

ДУСТЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИК

ДАККА, 6 март. ТАСС мухбири С. Буланцев хабар беради: Бангладеш Халқ Республикасининг Бош вазири Мужибур Раҳмон бугун СССРдан қайтиб келганидан кейин аэропортида кўндалганини айтиди: «Ушбу мамлакатда бўлган вақтимда Совет Иттифоқи халқи ва ҳукумати томонидан менга нисбатан кўрсатилган иззат-қиром ва меҳмондустликни изҳор қилмоқ учун сўз тополмайман. Мужибур Раҳмон сўзини дедим эйтириб бундай деди: «Москвада олиб борилган музокаралар вақтида ҳамжиҳатлик эришилди. Бу ҳамжиҳатлик Осиёдагина эмас, бутун дунёда ҳам тинчлик ва ҳамфурқатли маънавиятларга эришати қилади. Бангладеш ва Совет Иттифоқи, деди Бош вазири, тинчлик ҳамда халқлар

раванлиги йўлида ҳамкорлик қилдилар. Бангладеш Бош вазири шайх Бангалиялик миллионерларча конокларга Совет Иттифоқининг берган ёрдами... ва Совет Иттифоқи Ёрланган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашида Бангладеш халқини астойдил қўллаб-қувватлаганини катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Мен, деди Мужибур Раҳмон, Бангладешнинг 75 миллион халқи ва ҳукумати номидан ушбу совет халқи ва унинг раҳбарлари — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Бржежневга, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга салмиқ миннатдорчилигини изҳор қилишни истаётман. Бангладеш халқи, деб уқтириб ўтиди Бош вазири, Совет Иттифоқи бизга бегораз ёрдам ва мадад бериб келётганлиги учун СССР халқидан ва ҳукуматидан ҳаммаш миннатдор бўлиб қолади.

ДАККА, 7 март. (ТАСС). Бангладеш газетлари Бош вазири Мужибур Раҳмоннинг СССРга қилган вазитинг ва Совет Иттифоқи билан Бангладеш Халқ Республикаси ўртасида тузилган кўшма Декларациянинг изоланганини кенг шарҳламоқда. «Бангладеш обсервер» газетаси кўндалганини эътиборга олади: «Бош вазири Мужибур Раҳмон Совет Иттифоқидан самимий меҳмондустлик туйғуларини билан Ўзбекистонга қайтиб келди. Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқи озолик кўрашмига катта мадад бериб, Бангладеш халқига нисбатан ўз дўстлигини намойиш қилди. «Пил» газетаси редакцияси мақолалида «Москвада-

АГРЕССОРЛАР БЕБОШЛИГИ

ҚОҲИРА. 1967 йилнинг июнь ойидаги агрессиядан сўнг Исроил маъмурилари 500 минг нафарга яқин арабларни уй-жойларидан ҳайдаб юбордилар, уларнинг 16 мингдан кўпроқ уйини бунзиб ташладилар, экинзорлардан иборат жуда кўп ерларни мусодара қилдилар. Араблар қамоқ лагерлари ва турмаларга қамаб қўйилди. «Жисра-Асиф» газетасининг Ўзбекистонга қараган аҳолига қаратаган мақолалида Исроил маъмурилари жазолаш операцияларини ўтказмоқдалар. Бултур декабр ойида Исроил полицияси 250 нафар арабни қамаб қўйди. Американадаги «Криччен Сайенс Монитор» газетасининг Исроилдаги турмалардан бирини бориб кўрган мухбири ёзган хабарига кўра, қамаб қўйилган араблар шундай ҳолатда бўлишган: уларнинг қўли қўлланган, бироқ Исроил турмаларида сўзсиз ва терговсиз қамаб қўйилган кишилар ҳам оз эмас.

Совет Иттифоқи, деб ёздади «Пил» газетаси, Хиндистон ярим оролида ҳаммаш тинчликни сақлаш зарурдори бўлиб келди. СССР билан Бангладеш Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар билан бундан ҳам яна бироз яқин боради ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бераверади.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ КУНИ

Франция хотин-қизлари халқаро хотин-қизлар кунини бугун 8 мартни, дейди ТАСС мухбири билан суҳбатда Франция хотин-қизлар союзи раҳбарлигининг аъзоси Моник Мийу. «Янги тинчликни сақлаш учун, хотин-қизларнинг дўстлиги ва халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун кураш кунини» сифатида кутиб олмадилар. Франция хотин-қизлари АҚШ агрессиясини даф этишда актив қатнашган қаҳрамон Вьетнам хотин-қизлари билан бирдамликни кучайтиришмоқдалар. Францияда, деди у, Ханоида оғиллар ва болалар институтини қуриш учун маблағ тўлаш вазифаси аниқланди. Бу иш «Ханои демократик хотин-қизлар федерацияси конгрессининг ташаббуси билан ўтказилмоқда. Биз, деб таъкидлади Моник Мийу, америкалик оғиллар билан ҳам бирдам эканлигини билдираман. Америкалик оғиллар Вьетнамдаги АҚШ агрессиясининг тўхтатилиши ва ўз фарзандларининг уйнава қайтарилиши учун бошланган ҳаракатда қатнашмоқдалар. Франция хотин-қизлари бу курашнинг астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Франция хотин-қизлар союзининг ташаббуси билан мамлакатнинг 80 департаментини халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан турли намоёнлар ўтказилди. Валандса қаҳрамон Вьетнамга бағишланган кеча бўлади. Нимда китоб сотиш виставаси ташкил қилинади. Тулузда кинофильмлар намоиш қилинади ва шетхонлик кечаси ўтказилади. Руан, Дьеп, Ницце, Гренобль, Парижда ва Париж районида ўтказилаётган бир қанча намоёнларда Вьетнам хотин-қизларининг делегацияси ҳам иштирок этади. Бошқа мамлакатларнинг хотин-қизларига, жумладан, Советлар мамлакатининг хотин-қизларига бағишланган виставалар ташкил қилинади.

Р. СЕРЕБРЕННИКОВ. (ТАСС).

БИРДАМЛИК МАКТУБИ

ХАНОИ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Жанубий Вьетнам озолиги хотин-қизлар союзи раисининг ўринбосари Нгуен Тхи Бинь хоним Америка хотин-қизлари мактуб йўллаб, уларни Жанубий Вьетнам хотин-қизлари номидан 8 март байрами билан табриқлади. Вьетнам информатсия агентлиги тарафтан мактубда Америка хотин-қизларининг Жанубий Вьетнамдан АҚШ қўшнларини олиб чиқиб кетиши, Ҳинди-Хитойдаги агрессия урушини тўхтатиши, Қўшма Штатларда социал тараққиёт учун олиб бораётган курашнинг қўллаб-қувватлашда, шунингдек, урушнинг «вьетнамлаштириши» сўбатини ўтказиб келаятигани, Вьетнам, Лаос ва Камбоджани бомбардиров қилишни қучайтираётгани ва Вьетнам масаласига бағишланган Парижда ўтказилаётган музокаралардан қочаётгани АҚШ ҳукумати қаттиқ қораланади. Жанубий Вьетнамдан АҚШ қўшнларини тез ва батамом олиб чиқиб кетиш тўғрисида Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг 7 молада иборат плагат баён қилинган талаб, дейилди мактубда. Америка оналари ўз фарзандлари билан теарок дийдор кўришиларига ёрдам беради.

Америка хотин-қизлари ва америка халқи Вьетнам хотин-қизлари ва халқи билан бирдамликни мустаҳкамлайди. АҚШ ҳукуматини ақл-идрок овозига, тинчлик овозига қўлоқ солмоқда мажбур қилмоқ учун астойдил гайрат кўрсатади, деб ишонимиз дейилди Нгуен Тхи Бинь мактубида.



ЧЕКОСЛОВАКИЯ. Кленчидаги сопол буюмлар заводида ансарияти хотин-қизлар ишлашди. Бу ерда меҳнат қилган кўли гул усталар ясаган ранг-баранг сопол буюмларга Чехословачиянинг ўзида ҳам, чет элларда ҳам талаб катта. Суратда: завод раёсони Барбора Хайдова иш устида

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Марказий «Пахтакор» стадионда биринчи марта ҳуштак чалинди. Илк марта футбол муҳлисларининг олиқлашари янгради. Утган кунини бу ёрдам мамлакат кубоги учун уйини да майдон эгалари — пахтакорчилар билан Днепрпетровскнинг «Днепр» номандаси Узаро куч синашишди. Футболчиларининг маъмуридаги дастлабки «ўз уйларида» ўтказган уйинларини қуриш учун ёмғир аралаш иор ёми туришига қарамай, стадионга ашадий муҳлисларинг янгилашди. Баҳорнинг биринчи ойи — март кубок учрашувлари билан боғлиқ воқеаларга бой бўлади. «Пахтакор» номандаси билур соврин учун 1/16 финал учрашувини 6 мартда ўтказган бўлса, апрелнинг худди шу кунини катта футбол — мамлакат чемпионати старт олади. 17 март кунини «Динамо» (Москва) — ЦСКА номандалари нини чорак финалда куч синашса, 22 мартда халқаро уйин бўлади. Умуман кубок уйинлари бу йил хар сафаридан бир мунча эртарок бошланди. Шу боис СССР кубок учун курашини СССР чемпионати олдидан ўтказишларига ўзига хос маъна ҳисоб этилмоқда. Кубок уйинларининг бу галгиси ҳам қизил ва тасодифларга бой бўлади. Жумладан, чинчи лига номандаларидан «Шинник», «Помир», «Автомобилист» футболчилари курашини 1/16 финалда ҳам давом эттиришлари иштиробларини хайратга солди. Нимчорак финал учун курашда мастерлар группаси — олий лигачилар доғда қолди: Запорожининг «Металлург», Куйбисе ва «Крилья Советов», Одессанин «Черноморец», Қарағанданин «Шахтёр», Ленинграднинг «Динамо» номандалари ҳам нини чорак финал чиқиди. Ҳуш, олий лигачилардан курашини давом эттириш қайси нолейтивларга насиб этди! Соврин иштибиди мастерларнинг ҳам бўш келишмапти. Бу номандалардан биринчи бўлиб москвалик динамочилар нимчорак финалга чиқиди. Москваликлар доңецкилик шахтёрлар билан куч синашиб, ҳисобни 0:0, 3:1 қила олишди. Пойтахтликлар нетидан ЦСКА, СКА (Р), нивалик динамочилар, «Торпедо» (Москва), «Карпат» ва Москванинг спартакчилари бу маррадан эгаллашди. Олий лигачилар «меҳмон» Днепрпетровскнинг «Днепр» номандаси футболчилари кубок уйинларидада ўз маҳоратини намойиш этди. Муҳлисларга аниқ, бу йил мастерлар группасида куч синашдилар курашнинг футболчилари билур соврин иштибиди дастлабки учрашувини пахтакорчилар билан ўтказиб 2:1 ҳисобда галаба қозонинганди. Қора денгиз бўйи — Хоста шаҳрида ўтказилган бу учрашувада пахтакорчиларининг биринчи бўлиб иштибиди билан кинофотоланганди. Иккинчи учрашува Тошкентда — «Пахткор» стадионда

ўтди. Бу гал ҳам Днепрчилар ташаббусини қўлга олиб, ҳисобни очадилар. Уйиннинг иккинчи қисмида киритилган бу тўпдан кейин учрашув биринчи кескинлашди. Ҳисобни тенглаштириш Абдураимовага насиб этди. Кейин яна меҳмонлар тўп киритишди. Учрашувининг сўнгги минутларида майдон эгалари ҳужумкорликка куч бериб, ҳисобни 3:2 га етказишди. Командамиз галаба қозонди. Ленин бу галаба инчала учрашув натижаларини ҳисобга олганда, пахтакорчиларини билур соврин учун курашини давом эттириш имониятидан маҳрум этди. Днепрчилар эса нимчорак финалда пойтахт торпедочилари билан куч синашадиган бўлдилар. Иккинчи учрашува Тошкентда — «Пахткор» стадионда

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Ҳар дом бўлини онам, 10.30 — Цирк томошалари, 11.20 — Концерт, 12.00 — МОСКВА. 16.50 — ТОШКЕНТ. 16.55 — Ахборот, 17.05 — Машғал ёшларини, 17.45 — МОСКВА. Ҳайвонот оламида, 18.45 — Валли, қизлар! 20.30 — ТОШКЕНТ. 20.45 — «Қизлар давраси», 22.00 — «Вақт», 22.30 — Музикали кўрсатув.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 16.50 — МОСКВА. 16.55 — СССР халқ артисти И. Архипова концерти, 17.45 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Концерт, 19.20 — «Браслет-2» (бадий фильм), 20.30 — МОСКВА. 22.00 — Ҳужжатли фильм, 22.30 — Эстрада концерти.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА 20.00 — ТОШКЕНТ. 21.00 — Юрканя йўл (бадий фильм).

9 МАРТ, ПАНШАНБА БИРИНЧИ ПРОГРАММА 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — Биринчи иза (бадий фильм), 12.30 — МОСКВА. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Кинофильм, 18.30 — Ахборот, 18.45 — Киножурнал, 18.55 — «Альбатрос»нинг сўнгги реисси (бадий фильмнинг 2-серияси), 20.00 — Миллионлар денгича университетини, 20.30 — Ахборот, 20.45 — Концерт, 21.35 — Турциянинг беш йилнинг иккинчи йили марварлари, 22.00 — Вақт, 22.30 — Заречная кўчасида баҳор (бадий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 18.15 — МОСКВА. 18.20 — Янгиликлар, 18.30 — Ҳужжатли учун кўрсатув, 19.00 — Ҳужжатли фильм, 19.30 — Ҳаваскорлар концерти, 20.00 — Телеорун, 20.30 — Ҳужжатли фильм, 20.45 — «Роман» театрининг иккинчи кечаси, 22.30 — ТОШКЕНТ. «Ешлик» студиясининг меҳмонлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА 20.00 — ТОШКЕНТ. Ҳаваскорлар концерти, 20.40 — Қизлар (бадий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/III да Олтин девор (кундуз), Парвоз (кечурун), 9/III да Олтин девор.

МУЖИБНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/III да Хотиннинг эри (кундуз соат 12 да), Ярим тундаги ўқирлик (кечурун), 9/III да Ешликда берган кўнгли, 10/III да Тошбоғта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Альбина ЗОУВА раҳбарлигидаги «АФСОНАВИЙ УЛКА» иллюзион театрчининг «Ташкент» гастроллари (кеч соат 7 яримда; шаба кўнглири: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; янжабо кўнглири: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Садоқат (2 серия) — «ЎЗБЕККИСТОНИ» (кундуз ва кечурун). Парм хоними — «ЎЗБЕККИСТОНИ» 25 ИЛЛИГИ, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА НОМЛИ, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечурун).

Бир қизни учратдим — НАВОНИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечурун). Антракти — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечурун).

Халоскорлик (4, 5 сериялари) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечурун).

София Грушно — «КРКЧА» (кундуз ва кечурун).

Музланган — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиотелевизион давлат комитетини коллективни Бухоро область радиотелевизион комитетининг раиси М. Бақоева онаси

Истабтнинг БАҚОЕВАНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллективни Бухоро область радиотелевизион комитетининг раиси М. Бақоева онаси

Ҳосият САММОНОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиотелевизион давлат комитетини коллективни директор И. Юсуповна отаси